



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

20 20 yil "27" март

№ 233

Тошкент ш.

**Олий таълим муассасаларида масофавий  
таълимни жорий этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси йиғилишининг 11-сон баёнида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н :**

1. 2019/2020, 2020/2021 ўқув йилларида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг шахсий иш режасида бажарилмай қолган ўқув юкламаларини ўқув, услубий ва илмий-тадқиқот ишларини қўшимча бажариш ҳисобига қоплаш, тегишли норматив-методик ҳужжатларга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан мустақил ўзгартириш киритишига истисно тариқасида розилик берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Республика олий таълим муассасалари ректорлари (филиаллар директорлари) **2020 йил 1 апрелдан** бошлаб талабалар учун масофавий таълимни олий таълим муассасаи (бакалаврият таълим йўналиши, магистратура мутахассислиги) хусусиятига мувофиқ метод ва технологияларда жорий этиш ва шу асосида ўқитишни ташкил этсин.

3. Таълим йўналишлари ва мутахассислик фанлари бўйича электрон ресурсларга қўйиладиган талаблар 1-иловага мувофиқ;

Масофавий таълим платформасида ўқув ресурсларини яратиш бўйича йўриқнома 2-иловага мувофиқ;

Талабаларнинг масофавий курслардан фойдаланиши бўйича йўриқнома 3-иловага мувофиқ тавсия этилсин.

4. Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази (О.Ботиров) га:

**3 кун муддатда** олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, тизим администраторлари ва ўқув-услубий бошқарма масъуллари учун масофавий таълим платформасидан фойдаланиш бўйича 48 соатлик тренинг курсларни онлайн шаклда шартнома асосида ташкил этиш;

тизимдан фойдаланиш ва масофавий курсларни олиб бориш бўйича олий таълим муассасаларининг масъул ходимларига доимий маслаҳат бериб бориш вазифаси юклатилсин.

5. Олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига:

**уч кун муддатда:**

олий таълим муассасасида электрон ўқув ресурсларни талаб даражасида ишлаб чиқиш ва масофавий таълим платформасидан фойдаланишни ташкил этиш мақсадида камида 3 нафар масъул ходим, тизим бошқарувчиси – малакали дастурчи-муҳандис, контент яратишни ташкил этувчи – ахборот технологиялари компетентлигига эга профессор-ўқитувчи ва умумий фаолиятни мувофиқлаштирувчи – ўқув услубий бошқарма (бўлим)ни белгилаш;

электрон ўқув ресурсларини ишлаб чиқиш бўйича кафедралар кесимида (кафедра мудири масъул ҳисобланади-масофавий бошқаради) малакали мутахассислардан иборат ишчи гуруҳларни шакллантириш (ишчи гуруҳи масофавий шаклда уйдан иш олиб боради);

кафедралар кесимида ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан фанларнинг электрон ўқув ресурсларини ишлаб чиқиш бўйича **ҳафталик муддатни** ўз ичига олган режа-графикларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

тасдиқланган режа-графиклар асосида фанларнинг электрон ўқув ресурсларини ишлаб чиқиб бориш ҳамда масофавий таълим платформасига жойлаштириш;

режа-график ишлаб чиқишда масофавий таълим материаллари ўқув жараёнини модуль тизимида тузилиши инobatга олинсин;

**ўн кун муддатда** олий таълим муассасасида мавжуд масофавий таълим платформасидан фойдаланиш бўйича профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун йўриқнома ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда уларга олий таълим муассасаларининг расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқдаги саҳифалари орқали етказилишини таъминлаш;

Фанларнинг электрон ўқув ресурсларини ишлаб чиқиш ва масофавий таълим платформасидан фойдаланиш бўйича масъул этиб белгиланган ходимлар учун шартнома асосида тренинг курслари харажатларини олий таълим муассасаси ҳисобидан белгиланган тартибда қоплаш;

Талабаларга масофавий курслардан фойдаланиши бўйича йўриқнома (3-илова) ни етказиш ва масофавий тушунтириш;

таълим йўналишлари бўйича ўқув режаларда 2019/2020 ўқув йилининг баҳорги семестрида маъруза, амалий машғулотлар ва ўқув лабораторияларига ажратилган соатларни талабалар томонидан масофавий таълим асосида ўзлаштириш (лаборатория ва парктикаларнинг бир қисми (масофавий бериш мумкин бўлмаган) июль-август ойларига ёки кейинги ўқув йилига ўтказилиши мумкин);

масофавий таълим материалларини ишлаб чиқиш ва фойдаланишда турдош ёки бир хил йўналишдаги фанлар бўйича олий таълим муассасалари кооперациялашуви тавсия этиш ҳамда бу борада амалга ошириладиган ҳамкорлик ишларини мувофиқлаштириш Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштириш кенгаши шўъбалари раислари ёки олий таълим муассасалариаро мустақил равишда ўзаро келишувлар асосида амалга ошириш;

ўқув жараёни учун тегишли меъёрларга (талабаларни ўқитиш, баҳолаш, назорат қилиш, курсдан курсга ўтказиш каби масалалар) ўзгартириш киритиш;

профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкнамалари меъёрларини ҳамда ўқув режадаги фанларни ўқитиш муддатини белгилаш;

битирувчи курс талабалари ўқув машғулоти деярли якунланганлигини инобатга олиб, якуний давлат аттестациясини **давлат имтиҳони** шаклида (он-лайн тест синовлари ва бошқа) ўтказишга тайёргарлик кўриш;

Олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларга, шунингдек, ўриндошлик (соатбай) асосида ишлаётган, тегишли фанлардан турли метод ва технологиялардаги масофавий таълим дастурлари асосида талабаларга билим бериши ва баҳолаши учун ойлик маошларини амалда тўланаётган микдорлар ҳамда шартларда сақлаб қолиш;

ўрта махсус (Академик лицей), касб-хунар ва олий таълим муассасалари ходимларининг меҳнат таътили билан боғлиқ тўловларини ҳамда 2020 йилнинг март ойи учун иш ҳаққи тўловларини истисно тариқасида жорий йилнинг 31 мартига қадар тўлаб берилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

Ўқув жараёни масофавий ташкил этилаётганлигидан келиб чиқиб, фанларнинг электрон ўқув ресурсларини ишлаб чиқишда тасдиқланган режа-графикка қатъий амал қилиниши шахсан олий таълим муассасаси ректори (филиал директори) томонидан назоратга олинсин.

6. Олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси (А.Холиқов), Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бошқармаси (А.Абдуллаев) масофавий таълимни ташкил этиш, давом этиш муддатлари, назорат шакллари, битирувчи курслар учун якуний давлат аттестацияси масофавий таълимда ташкилий шакллари юзасидан ОТМларга методик тавсиялар берилишини таъминласин.

Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси (С.Ниязбеков), Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази (З.Ҳакимов) билан биргаликда олий таълим муассасалари томонидан фанларнинг электрон ўқув ресурсларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш графикларини ҳар бир ОТМ кесимида масофавий мониторингини олиб бориш ва тегишли консултацияларни бериб боирлишини ташкил этсин.

7. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бошқармаси (А.Абдуллаев) масофавий таълим платформасини жорий этиш, ресурсларни платформага жойлаштириш ҳамда талабаларнинг тизимдан фойдаланиши бўйича умумий назоратни олиб бориш ва йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар бериб борилишини ташкил этсин.

8. Хорижий талабалари мавжуд олий таълим муассасалари ректорлари мазкур талабалар учун биринчи навбатда масофавий курслардан фойдаланиш

имконини яратсин ҳамда улар учун ўқув йилини май – июнь ойларида яқунласин.

9. Ўқув жараёни алоҳида хусусиятга эга тиббиёт, санъат ва бошқа йўналишлар бўйича кадрлар тайёрланадиган олий таълим муассасалари ректорлари мазкур олий таълим муассасаларида масофавий таълимни ташкил этиш шакли, услубиёти, муддатлари, фанларнинг таркиби ва бошқа масалалари бўйича ўзаро ва бўйсунувига кўра вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда таклифлар ишлаб чиқилиши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига 5 кун муддатда тақдим этилишини таъминласин.

10. Вазир ўринбосари Ю.Абсоатов, Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси (С.Ниязбеков), Олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси (А.Холиқов) аксарият бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ўқув режаларидаги айнан бир хил фанларни параллел (муқобил) равишда телевидениеда трансляция қилиш, уларни масофавий таълим талабларига мувофиқлаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин.

11. Олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси (А.Холиқов), Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси (С.Ниязбеков), Ишлаб чиқариш билан интеграция ва моддий-техник базани ривожлантириш бош бошқармаси (А.Мелибоев) ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестациясини онлайн (ёки масофавий) тарзда ташкил этиш, маълумот олганлик тўғрисида давлат намунасидаги хужжатларни бериш тизимини жорий этиш бўйича асосланган таклифларни жорий йилнинг 20 апрелига қадар Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосарлари У.Бегимкулов ва Ю.Абсоатов зиммасига юклатилсин.

Вазир



И.Маджидов



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлигининг 2020 йил  
мартдаги 199-сонли буйруғига 1-илова

## Таълим йўналишлари ва мутахассислик фанлари бўйича электрон ресурсларга қўйиладиган талаблар

Ҳар бир фан бўйича **кириш** ва **фаннинг мавзулари** ҳамда **оралиқ ва якуний назорат** қисмларидан иборат бўлади.

**Кириш қисми** қуйидагилардан ташкил топади:

1. Фан ҳақида маълумот (doc)
2. Фан дастури (pdf)
3. Фанни ахборот билан таъминлаш (асосий ва қўшимча адабиётлар (pdf), интернет ресурслари, хорижий университетларнинг очиқ таълим ресурслари (ҳавола)).
4. Глоссарий - курсда ишлатиладиган атамалар, қисқартмалар ва белгилар лугати (doc).
5. Кириш қисмида 5-10 дақиқалик видеоролик (фанни мазмуни, мақсади ва эришиладиган натижа ҳақида ) тавсия этилади.

**Фаннинг мавзулари** қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

6. Мавзунинг номи (.doc);
7. Мавзу бўйича саволлар тўплами (.doc);
8. Мавзу бўйича глоссарий (ушбу маърузага киритилган атамалар рўйхати, терминлар умумий глоссарийда мавжуд бўлиши керак камида 7-10 та сўз (.doc)).
9. Мавзуга оид асосий ва қўшимча адабиётлар (бетлари кўрсатилган холда (.pdf))
10. Интернет тармоғида электрон манбаларга ҳаволалар (матнлар, аудио ёки видеороликлар, электрон кутубхона ресурсларининг URL манзиллари);
11. Талабалар мустақил ўрганиши учун назарий материал, масалан (маъруза тақдимоти)
12. Фан мавзусига оид аудиовизуал материаллар, моделлар, макетлар, намуналар, кейслар (тавсия этилади);
13. Видео маъруза: Бунда видеодаги файлнинг бир фрагментининг давомийлиги 5-20 дақиқадан ошмаслиги (тавсия этилади);
14. Талабаларнинг маъруза матнларида тақдим этилган ва мустақил равишда ўрганган назарий материалларини тушунишлари учун билимларни назорат қилувчи тест саволларини ишлаб чиқиш. Тест синовлари банкани шакллантиришда вариативтик (кўп танлов, ёзишмалар, қисқа жавоб ва бошқалар)дан фойдаланиш.

**Оралиқ ва якуний назорат:**

15. Оралиқ ва якуний назорат тестлари/якуний топшириқ;
16. якуний назорат учун саволлар.



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17-мартдаги 233-сонли буйруғига 2-илова

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAHSUS TA'LIM VAZIRLIGI

### TA'LIM MUASSASALARIDA ELEKTRON TA'LIMNI JORIY ETISH MARKAZI

#### MASOFAVIY TA'LIM PLATFORMASIDA ЎҚUV RESURSLARINI YRATIISH BЎYICHA ЙЎRIҚНОМА

*(Профессор-ўқитувчилар учун)*

## Кириш

Масофавий таълим платформаси профессор-ўқитувчиларга платформа орқали таълим бериш имкониятини беради. Бундай ёндашув мулоқотнинг бир неча воситаларини биргаликда ишлатилиши туфайли анъанавий усулларнинг самарадорлиги ошади. Ахборот ресурсларидан ўқув жараёнида фойдаланиши ихтиёрий масофавий ўқитиш тизимининг асосий компонентларидан бири саналади. Мазмун ва шакл жиҳатдан юқори даражали ўқув материаллар мустақил таълим жараёнини рағбатлантириш ҳисобига ўқув жараёни самарадорлигини оширади. Ўқитишнинг масофавий шакли, биринчи навбатда, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги ўзаро алоқага таянади.

Ушбу методик қўлланма барча ОТМ талабалар учун мўлжалланган бўлиб, Масофавий таълим платформаси билан таништирилади. Шу билан бир қаторда, айнан масофадан ўқиш учун мазкур платформанинг барча имкониятлари ва курс элементларидан қандай тўғри фойдаланиш мумкинлиги ҳақида батафсил баён этилади.

Муаллифлар:

Абсоатов Юсуф — Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари.


Ботиров Олим — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази директори.

Сайидов Фарух — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассиси.

Каримов Шерзод — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази Кадрлар малакасини ошириш бўлими бош мутахассиси.


## Масофавий таълим тизими ҳақида умумий йўриқнома

Ушбу йўриқнома профессор-ўқитувчилари учун мўлжалланган бўлиб, **масофавий таълим** тизими билан таништирилади. Шу билан бир қаторда, айнан масофадан ўқиш ҳамда ўқитиш учун мазкур платформанинг барча имкониятлари ва курс элементларидан ўқув материалларини яратиш, таълим жараёнларини ташкиллаштириш мумкинлиги ҳақида батафсил баён этилади. (1-расм)



### 1-расм. Масофавий таълим платформа интерфейси


Ушбу платформанинг ўнг томонида жойлашган блокда фойдаланувчининг “Логин” ва “Пароль” киритилиб курсга кирилади. (2-расм)



### 2 – расм. Логин ва Парольни киритиш

“Логин” ва “Пароль” асосида киритилгандан сўнг, курс ўқитувчиси сифатида платформада администратор томонидан рўйхатдан ўтиб, ўқитувчи рўли орқали курс элемент ва ресурсларидан фойдаланган ҳолда турли хил электрон ўқув контентлар яратиш, таҳрирлаш, билим олувчи томонидан курс давомида билим, малака ва кўникмаларига эга бўлишида назорат қилиш имкониятларини тақдим қилади. Шу билан бирга, ўқитувчи рўли асосида мазкур платформада барча ўқув машғулот жараёнларини ташкиллаштириш, курс тингловчиларини муайян ўқув курсларга жалб қилиш, тингловчиларни гуруҳларга ажратиш каби функционал мажбуриятларни ўз ичига қамраб олади ва **Moodle LMS** тизимидан фойдаланишлари мумкин бўлади.

Электрон ўқув контент яратишда биринчи қилинадиган вазифа платформанинг чап панелидан Бош саҳифа категориясидан “Добавить курс” – “Курс қўшиш” тугмаси босилиб амалга оширилади. (3-расм)



3 – расм. Курс яратиш тугмаси

Навбатдаги саҳифада курс ҳақида барча керакли категориялар асосида электрон ўқув курс платформада яратилади:

- Асосийлар (Умумий)
- Изоҳ
- Курс формати
- Кўриниши
- Файллар ва юкламалар
- Ишни кузатиш
- Гуруҳлар
- Роль номини ўзгартириш
- Тег (белги)лар

Мазкур категориялардан Асосийлар (Умумий) категорияси орқали курс яратилади ва мазкур саҳифада қуйидаги ойнада келтирилиб ўтилган вазифалар бажарилади ҳамда яратилаётган курс ҳақида умумий маълумотлар, курснинг

мақсади ва кутилаётган натижалари тўғрисида барча маълумотлар жойлаштирилади. (4- расм)

The screenshot shows the 'Qo'shish kurs' (Add course) form. The form is divided into sections: 'Asosiy(Umumiy)' (Basic/General) and 'Izoh' (Remarks). The 'Asosiy(Umumiy)' section contains the following fields: 'To' (highlighted with a red circle), 'Kurs qisqa nomi' (Course short name), 'Kurs kategoriyasi' (Course category, set to 'Maxsus sirtqi ta'lim'), 'Kurs ko'rinishi' (Course view), 'Kurs boshlangan sana (kurs boshlanishi sanasi)' (Course start date, set to August 2019), 'Kurs tugash sanasi' (Course end date, set to August 2020, highlighted with a red circle), and 'Kurs ID raqami' (Course ID number). The 'Izoh' section has a text area for 'Kurs xulosasi' (Course summary).

4 – расм. «Создать курс» – «Курс яратиш» sahifasi

Электрон ўқув курс тўғрисида барча асосий маълумот киритилгандан сўнг курс тингловчиларга курснинг асосий ойнаси тақдим этилади. (5 – расм)

The screenshot shows the 'Chizma Geometriya' course page. The main content area is titled 'KURS HAQIDA' (About the course) and includes: 'Kurs nomi: Chizma geometriya.', 'Mavzular soni: 8 ta.', 'Kurs mualliflari: Toshkent davlat pedagogika universiteti o'qituvchilari.', and 'Ushbu kurs maxsus sirtqi ta'lim shaklida tahsil olayotgan talabalar uchun yaratilgan.' Below this, there is a section for 'Kurs uchun foydali ma'lumotlar' (Useful information for the course) with a list of resources: 'E'tonlar', 'Chizma geometriya fan dasturi', 'Chizma geometriya ishchi dasturi', 'Chizma geometriya baholash mezonlari', and 'Asosiy adabiyotlar'. A sidebar on the right contains a calendar for July 2019 and a 'Boshqarish' (Management) section with options like 'O'rnatishlar', 'Tahrir qilishni yakunlash', 'Kurs yakuni', 'Foydalanuvchilar', 'Hisobotlar', 'Kurs kitobi sozlamalari', 'Natijalar', 'Rezerv nusxa olish', 'Tiklash', 'Import', and 'Fozolash(dastlabki holatiga qaytarish)'. A 'Tahrir qilish' (Edit) button is visible at the bottom right of the main content area.

5- расм. Электрон ўқув курснинг асосий ойнаси

Платформада курс элементи ва ресурсларидан фойдаланган ҳолда курс яратиш учун куйида келтирилган расмда кўрсатилган “Яратиш” тугмаси босилганда куйидаги кўринишга эга бўлади ва ўқув курс шакллантирилади. Бу орқали Модул (Мавзу) номи Маъруза, Видео маъруза, .pdf ёки .ppt форматидаги Тақдимот кўринишидаги маълумотлар, бажарилиши лозим бўлган Топширик, ўқув курсда кўзга ташланган мураккаб Таянч ибора ва